

Сенаторлар — хуудларда

ЁШЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ

Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Одилжон Маматкаримов Наманган вилоятидаги бир қанча ташкилотларда ўрганиш ишларини олиб борди.

Жумладан, сенатор халқ депутатлари Ўйчи тумани Кенгаши котибиятида бўлиб, “намунали Кенгаш” фаолиятини ташкил этиш борасида амалга оширилаётган ишлар билан танишди.

Жойлардаги ўрганишлар давомида биноларни сифатли таъмирлаш, ишчи-ходимлар учун зарур шарт-шароитлар яратиш ҳамда замонавий ускуналар билан жиҳозлаш масалаларига эътибор қаратилиб, тегишли тавсиялар берилди.

Шу билан бирга, Наманган давлат техника университетида ёшлар иштирокида “Сенатор ва ёшлар” мавзuida очик мулоқот бўлиб ўтди.

Унда Одилжон Маматкаримов таълим сифатини

ЎЗАРО ДЎСТОНА АЛОҚАЛАРНИ ЯНАДА МУСТАҚАМЛАШ ЙЎЛИДА

Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA) билан биргаликда амалга оширилаётган парламент фаолияти тажриба алмашинуви дастури доирасида Олий Мажлис Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатларидан иборат делегациянинг Корея Республикасига ташрифи бошланди.

Ў

Ҳамкорлик

Мақсад Корея Республикасининг қонун ижодкорлиги, парламент фаолиятини тўғридан-тўғри қузатиш, очикликини таъминлаш, парламентда IT инфратузилмасини такомиллаштириш, маҳаллий Кенгашлар билан Ўзаро алоқаларни мустақамлаш ва бошқа йўналишлар бўйича илғор халқаро тажрибани ўрганишдан иборат.

Ташриф доирасида Олий Мажлис вакиллари семинар машғулотларидан ташқари яна бир қатор тадбирларда қатнашишни режалаштирилган. Жумладан, Корея Миллий ассамблеяси аъзолари, мезбон мамлакат пар-

ламентининг Бюджет, Қонунчилик тадқиқотлари бошқармалари вакиллари, шунингдек, KOICA ташқи ҳамкорлик гуруҳи билан учрашувлар бўлиб ўтди.

Бундан ташқари, мамлакатимиз парламенти вакиллари Хвасон шаҳар кенгаши фаолияти билан яқиндан танишиб, ушбу шаҳар ҳокими билан учрашди.

Мулоқот давомида икки мамлакат вакиллик органларининг ўзаро алоқаларни янада мустақамлаш ва тажриба алмашинувини йўлга қўйиш масалалари кўриб чиқилади.

«Халқ сўзи».

ХУДУДЛАРДА СОЛИҚ МЕХАНИЗМЛАРИДАН ҚАНДАЙ ФОЙДАЛАНИЛЯПТИ?

Маҳаллий вакиллик органлари томонидан нафақат бюджет тушумларини ошириш, шунингдек, тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган чоралар белгиланаётгани ҳам ҳудудлар ривожланишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бинобарин, мамлакатимиз тарраққиётининг янги босқичида солиқ тизимини ислоҳ қилишга қаратилган бир қатор муҳим ҳужжатлар имзоланди. Хусусан, янги таҳрирдаги Солиқ кодексига тўғридан-тўғри қўлланивчи нормалар белгиланди. Солиқ турлари 13 тадан 9 гага камайтирилди. Ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва ҳудудий иқтисодий тенгсизликларни юмшатиш мақсадида ер солиғи ҳамда ер участкаларини ижарага беришдаги тўлов микдорларига турли коэффициентлар қўлланилишига оид нормалар Солиқ кодексининг 429-моддасида акс эттирилди.

Семинарларда қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун солиқ ставкаларига оширувчи ёки пасайтирувчи туман ва шаҳарларнинг маҳаллий шароити, жойлашуви, инфратузилма билан таъминланганлик даражаси ва уларнинг иқтисодий фаоллигига қараб белгиланиши қайд этилди. Туман ва шаҳарлар халқ депутатлари Кен-

гашлари эса ушбу белгиланган солиқ ставкаларига 0,7 дан 3,0 гача бўлган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентларни уларнинг ҳудудларида жойлашган даҳа, массив, маҳалла ҳамда кўчалар кесимида киритиб бориши Солиқ кодексига кўзда тутилган. Коэффициентларнинг бундай тарзда белгиланиши нафақат Давлат бюджетига тушумларни барқарорлаштириш, балки ушбу ресурслардан фойдаланиш самардорлигини ошириш ҳамда тадбиркорлик фаоллигини кучайтиришга бўлган оқилона ёндашувини таъминлашни талаб этади.

Муҳокамаларда бугунги кунда маҳаллий Кенгашлар томонидан туман, шаҳар, даҳа, массив, маҳалла ҳамда кўчалар кесимида оширувчи ёки камайтирувчи коэффициентларни белгилашда аниқ мезонлар ишлаб чиқилмагани танқидий баҳоланди.

Шунингдек, маҳаллий Кенгашлар қошидаги тегишли комиссиялар томонидан ҳудуднинг солиқ-бюджет жараёнларига алоқадор ташкилот ва идораларнинг чуқур иқтисодий таҳлиллар ўтказмагани ёки ушбу масалага юзак ёндашгани сабабли оширувчи ёки пасайтирувчи коэффициентлар ассосиз равишда қўлланилгани танқид остига олинди. Солиқ ставкалари-



га оширувчи ёки пасайтирувчи коэффициентлар жорий қилиш микдори бўйича тақлифлар ҳудуднинг бюджет харажатлари ҳамда солиқ чикими ҳажмидан келиб чиқиб Кенгашларга тақдим этилгани салбий баҳоланди.

Халқ вакилларининг фикрича, кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларининг ҳолатини тўғри баҳоламасдан оширувчи коэффициентларни юқори белгилаш тадбиркор харажатлари ошишига ҳамда даромадининг камайишига олиб келади. Тадбиркорлар ўз фаолиятини соддалаштириши ёки расмийлаштиришдан бош тортишига, кичик бизнес субъектлари учун молиявий босимнинг кучайишига сабаб бўлаётганига оид аниқ мисоллар келтирилди.

Семинарларда муҳокама қилинган масала юзасидан халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига бир қанча тақлиф ва тавсиялар берилди. Хусусан, Кенгашлар қошидаги комиссиялар томонидан тегишли идора ва ташкилотлар вакиллари ҳамда экспертлари жалб қилган ҳолда зарурий мезонларни ишлаб чиқиш ҳамда оширувчи, пасайтирувчи коэффициентларни қўллаш бўйича аниқ ҳисоб-ки-тоблар ва таҳлилларни олиб боришда Иқтисодиёт ва молия ҳамда Солиқ бошқармаларида ахборот базаси ва электрон дастурларни жорий этиш мақсада мувофиқлиги айтиб ўтилди.

Депутатлар томонидан инфратузилмаси етарли даражада ривожланмаган, тадбиркорлик сало-

ҳияти сустр ёки сармоя етишмаётган ҳудудлар учун имтиёзли коэффициентлар қўллаш тақлифларини бюджет сўрови бошланишидан олдин тайёрлаб, туман ва шаҳарлар маҳаллий Кенгашларида муҳокамадан ўтказиб олиш, бунда жамоатчиликни кенг жалб этиш, ушбу жараёнларнинг очик ва шаффофлигини таъминлашда ОАВ билан яқиндан ҳамкорлик қилиш яхши самара бериши таъкидланди. Бундан ташқари, вилоят Иқтисодиёт ва молия ҳамда Солиқ бошқармаларидан мутахассислар жалб қилган ҳолда туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлари учун мавзусга ўқув семинарларини ўтказиш мақсада мувофиқ деб топилиди.

Семинарлар якунида иштирокчилар барча даражадаги вакиллик органлари депутатларини қўрилган масала бўйича фаолликка қақариб, Президентимизнинг “тушумни кўпайтириш солиқ ставкасини ошириш ҳисобидан бўлмаслиги керак”, деган сўзларини тўғри англаб етиш ва иш кўришимиз нафақат тадбиркорга имкон бериши, шунингдек, солиқ базасини кенгайтириш орқали даромадди кўпайтиришга ҳам олиб келишини алоҳида таъкидлади.

Бу каби семинарлар барча ҳудудда давом этади.

«Халқ сўзи».

Ўрганиш

«ЯШИЛ МАКОН» УМУММИЛЛИЙ ЛОЙИҲАСИ – АМАЛДА

Олий Мажлис Сенатининг Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология қўмитаси раиси Анвар Тўйчиев бошчилигидаги ишчи гуруҳ Қорақалпоғистоннинг Хўжайли, Қораўзақ, Тахтақўйир, Бўзатов туманлари ва Нукус шаҳридаги “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида ҳудудларни кўкalamзорлаштириш, дарахтлар экиш ва парваришлаш, “яшил белбоғ”ларни барпо этиш борасида амалга оширилган ишлар билан яқиндан танишди.

Қорақалпоғистонда “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида жорий йил баҳор мавсумида 8 млн. 781 минг туп кўчат экиш ишлари белгиланган бўлиб, бу иш амалда 9 млн. 254 минг

туп дарахт ва бута кўчати экиш орқали уддаланди. 16 та туман (шаҳар) ўрмон ҳўжалиги кўчатхоналари ва 17 та ободонлаштириш бошқармаси ҳамда кўчатчиликка мослаштирилган фермер ҳўжа-

ликлари томонидан иқлим шароитига мос манзарали, мевали ва бута кўчатлари етиштириб келинмоқда.

Хусусан, ишчи гуруҳ Хўжайли давлат ўрмон ҳўжалигининг манзарали ва мевали дарахтларни етиштириш кўчатхонасида бўлиди. Мазкур ҳўжаликнинг умумий ер майдони 153 777 гектар бўлиб, шундан ўрмон билан қопланган майдони 1 310 гектарни ташкил этади. Ҳозирги кунда доривор ўсимликлар плантациясида жами 6 гектар наъматак, годжи кўчатлари экилиб, парвариш қилиняпти.

Умуман олганда, ҳўжаликда жами 21 турдаги манзарали ва мевали дарахт ҳамда доривор ўсимликлар кўчатлари етиштирилмоқда.

Хўжаликда жорий йил баҳор мавсумида “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида 586,6 минг туп ҳар хил турдаги манзарали ва бута дарахт кўчати ташкилотларга шартнома орқали ва бепул тарқатилган. Шу жумладан, оғир тоифадаги маҳаллаларга 7,8 минг туп кўчат беғараз берилган.

Бундан ташқари, ишчи гуруҳ аъзолари Бўзатов давлат ўрмон ҳўжалиги фаоли-

яти билан ҳам яқиндан танишди. Хўжаликда жами 10,2 гектар ҳудудда наъматак, заранг, шумлот, айлан, япон софораси, қайрағоч каби 800 мингга яқин ниҳоллар парваришланмоқда.

Ишчи гуруҳ томонидан кўчатларни агротехник талабларга мос равишда экиш, парваришлаш (суғориш), касаллик ва зараркундалларга қарши курашиш тадбирларини тўғри ташкил қилишга қаратилган керакли тавсиялар берилди.

Сенат ишчи гуруҳининг ҳудудлардаги ўрганишлари давом этмоқда.

«Халқ сўзи».

Халқаро анжуман

Тинчлик ва фаровонликка бағишланган форум

Термиз шаҳрида “Тинчлик, дўстлик ва фаровонлиқнинг умумий маконини барпо этиш” мавзuida Марказий ва Жанубий Осиё ўртасидаги ўзаро боғлиқлик бўйича Термиз мулоқотининг биринчи йиллиғи бошланди. Форумга Марказий ва Жанубий Осиё, Европа, МДҲ, Осиё — Тинч океани минтақаси, Америка, Яқин Шарқ мамлакатларидан вакиллар келди.



Иштирокчилар дастлаб “Termez Cargo Centre” халқаро транспорт-логистика хабирини бориб кўрди.

Хаб Президентимиз ташаббуси билан 2022 йил БМТ, халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатлардан Афғонистон ва бошқа мамлакатларга гуманитар ёрдамни марказлаштирилган ҳамда манзилли етказиб беришни таъминлаш мақсадида “Termez Cargo Centre” масъулият чекланган жамияти неғизида ташкил этилган. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 78-сессиясидаги нутқида жаҳон ҳамжамиятини Афғонистон муаммосига ечим топишда бирлашган қақирлар экан, афғон халқига кўрсатилётган инсонпарварлик ёрдами заифлашмаслиги кераклигини таъкидлаган эди.

Форум иштирокчилари Марказий ва Жанубий Осиё ўртасидаги минтақаларо ҳамкорлиқнинг жорий ҳолати ва истикболларини муҳокама қилди. Ассосий эътибор хавфсизлик, барқарорлик ва изчил ривожланишни таъминлаш бўйича ҳамкорлиқни мустақамлаш, шунингдек, иқтисодий ўсишни юксалтиришда хусусий сектор ва молиявий тузилмаларнинг ролини кенгайтириш масалаларига қаратилди.

Анжуман 21 майгача давом этади.

«Халқ сўзи».

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЕВРОПАДАГИ ИСТИҚБОЛЛИ ШЕРИКЛАРИ



Венгрия Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқидаги муҳим шериги ҳисобланади. Ўзбекистон — Венгрия муносабатлари доирасида инвестиция йўналиши алоҳида қизиқиш уйғотади. Энг муҳим лойиҳалар қаторига Сирдарё вилоятида паррандачилик кластерларини яратиш, Венгриянинг “ОТР” банки томонидан “Ипотека-банк”ни хусусийлаштириш, фармацевтика, “Joyson Safety Systems” билан автомобиль компонентлари ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва бошқалар кирди. Венгрия Ўзбекистонни Марказий Осиёдаги муҳим ҳамкор сифатида кўради ва ўз навбатида, Тошкент Венгриянинг Европа Иттифоқи иқтисодий маконига “кириш нуқтаси” сифатидаги салоҳиятидан фойдаланишдан манфаатдор.

Албатта, икки томонлама алоқаларнинг ривожланишида тарихий маданий омиллар ҳам катта роль ўйнайди. Жумладан, 1863 йилда Ўрта Осиёга сафар қилиб Хива хонлиги, Бухоро амирлигида бўлган, Самарқандни зиёрат қилган венгриялик олим Арминий Вамберининг “Бухоро тарихи ёки Транскассония” ва “Ўрта Осиё бўйлаб саёхат” асарлари бугунги кунда ҳам Европада, хусусан, Венгрияда Марказий Осиё давлатлари тарихи, геосиёсий аҳамияти, маданий, тарихий, иқтисодий жараёнларга таъсир этган омилларини ўрганишда муҳим манба ҳамда қўланма бўлиб хизмат қилмоқда. Ушбу асарларда Марказий Осиё халқлари яшаш тарзи, давлатчилиги шаклланиши ва ривожланиши, диннинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни ҳамда иқтисодий муносабатларнинг ўзига хослиги, одамларнинг юксак маданияти, тарбия ва таълим тизими бевосита кузатувлар ҳамда таҳлил асосида очиб берилгани уларнинг аҳамиятини янада оширади.

Икки давлат раҳбарларининг қатъий сиёсий иродаси, икки мамлакатнинг ўзига хос ўхшаш жиҳатлари, хусусан,



Венгрия Европа давлатлари учун Ўзбекистонга, ўз навбатида, Ўзбекистон Венгрия учун Марказий Осиё мамлакатлари бозорига кўприк вазифасини бажариш истиқболлари ҳамкорлиқни янги ютуқлар билан тўлдирганини қайта таъкидлади. Бу ҳолат Европа давлатларида Ўзбекистонга нисбатан муносабатнинг кескин ихобий томонга ўзгаришларини яна бир бор ифодаляйди, айни чоғда бошқа мамлакатлар билан ҳам ҳамкорлиқни ана шундай даражага чиқаришда муҳим қадам ҳисобланади.

Шубҳасиз, ривожланган давлатларда Ўзбекистонга нисбатан ишончнинг ортганиги юртимиз тараққиёти янги даври учун ўзига хос ва мос хусусият бўлиб, бу Ватанимизнинг дунёга интеграциялашувида янги кўч беради. Ўз навбатида, ўзбек — венгер муносабатларининг янги йўналишларини ишга тушириш имкониятларини янада кенгайтиради. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Венгрияга ташрифи жуда самарали бўлиши шубҳа йўқ.

Давлатимиз раҳбарининг Европада ташрифидаги яна бир манзил Словениядир. Яшаш учун энг хавфсиз, экологияси тоза, қитъанинг юрғида жойлашган кичик, аммо динамик равнақ топаётган мазкур мамлакат ривожланган темир йўл тармоғи, қулай инвестиция муҳити, Европа Иттифоқида аъзолиги, мақалаки ишчи кучидан фойдаланиш имконияти ва стратегик жойлашуви жиҳатдан бизнес юритиш учун истиқболли макон ҳисобланади.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг ушбу мамлакатга ташрифи чоғида Словения Президенти Наташа Пирц Мусар билан учрашув, ушбу мамлакат парламенти ва ҳукумати раҳбарияти билан музокараларида, кўшма ишбилармонлик тадбирларида ана шу мавзулар ҳақида сўз юритиляди. Ўзаро манфаат-

ли савдо-иқтисодий ҳамкорлиқни ривожлантириш, фармацевтика, саноат, озиқ-овқат ва тўқимачилик тармоқларида кооперация лойиҳаларини амалга ошириш, меҳнат миграцияси соҳасида ҳамкорлик қилиш ва гуманитар алоқаларни кенгайтириш масалалари кўриб чиқилади.

Бу йил 16 январь куни Ўзбекистон — Словения муносабатлари ўрнатилганига 30 йил тўлди. Утган йиллар давомида сиёсий мулоқот, савдо-иқтисодий ва маданий алоқалар изчил ривожланиб келди. Бугунги кунда икки давлат парламентларо муносабатларни самарали ривожлантиришга, халқаро ташкилотлар доирасида ҳамкорлик қилишга, ўзаро савдо ҳажмини оширишга интилмоқда.

Икки мамлакатнинг истиқлол тарихи бир вақтга тўғри келади. Словения ҳам Ўзбекистон каби 1991 йилда ўз мустақиллигини эълон қилган. Бу давлат 2004 йилдан бошлаб Европа Иттифоқи ва НАТО аъзоси. Ҳудуди 20,3 минг кв. км., мамлакат аҳолиси тақминан 2,1 млн. кишини ташкил қилишига қарамай иқтисодиёти жадал юксалаётган давлат.

Жаҳон банки маълумотларига кўра Словениянинг ЯИМ 52 млрд. еврога баҳоланади (дунёда 84-ўринда), аҳоли жон болига тақминан 25 минг еврони ташкил қилади (дунёда 35-ўринда). Инфляцияси 1 фоиздан паст, ишсизлик даражаси эса 5 фоиз атрофида. Мамлакат иқтисодиёти очик, ташқи савдо ҳажми 85 млрд. АҚШ долларига баҳоланади, бунда товарлар ва хизматлар экспорти устунлик қилади (тақминан 45 млрд. АҚШ долларини).

Словения, асосан, дастгоҳлар, транспорт воситалари, электрон ва телекоммуникация жиҳозлари, фармацевтика ва ёғоч маҳсулотлари ҳамда мебелларни экспорт қилади. Импорт асосини транспорт воситалари, минерал ёқилғи, нефть маҳсулотлари, машина ва ускуналар, темир, пўлат, алюминий, пластмасса ва улардан ясалган буюмлар ташкил этади.

Словениянинг Европа оиласига аъзолиги бу ерда бизнес юритиш ва ЕИнинг бошқа давлатлари билан савдо қилишни сезиларли даражада осонлаштиради. Ўзбекистон учун истиқболли бозорлардан саналган Словенияда замонавий автомобиль йўллари, темир йўллари ва портларни ўз ичига олган ривожланган транспорт тармоғи мавжуд. Ҳукумат тадбиркорлиқни фаол қўллаб-қувватляйди ва хорижий инвестицияларни рағбатлантиради.

Словения — туризмнинг турли йўналишларини ривожлантириш учун имкониятлар тақлиф қилувчи мамлакат. Ҳамкорлик учун яна бир йўналиш — бу IT технологиялари сектори. Ушбу сектор

Словенияда жадал ўсиб бормоқда, бу эса дастурий таъминотни ишлаб чиқиш, веб-дизайн, киберхавфсизлик ва бошқа IT хизматлар учун имкониятлар яратяди.

Словения, айниқса, автомобилсозлик, металлни қайта ишлаш ва электротехника каби соҳаларда ривожланган ишлаб чиқариш базасига эга. Ўз стратегик жойлашуви туфайли муҳим логистика маркази бўлиб, транспорт ва логистика хизматларини ривожлантириш учун имкониятлар тақлиф қилади.

Словения қайта тикланмаган энергия манбаларини ҳам ривожлантиришга интилмоқда. Халқаро шерикларга қуёш, шамол ва гидроэнергетикага инвестициялар киритиш учун имкониятлар тақлиф қилаётир. Бу жиҳатдан Ўзбекистон ва Словения ўхшаш мақсадларга эга.

Мамлакатда ишлаб чиқариладиган кимё ва фармацевтика, нефть-кимё маҳсулотлари, ювиш ва сайқаллаш, парфюмерия воситалари, сунъий тоғалар, шишалар ва пневмокамералар ҳам дунёга машҳур.

Озиқ-овқат саноати тармоғи Словенияда энг йирик иш бевуричлардан бири ҳисобланади. Мамлакатда гўшт ва сутни қайта ишлаш ривожланган, ун ва қандолат маҳсулотлари, ичимликлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Гўштни қайта ишлаш саноати озиқ-овқат саноати даромадининг 30 фоизи ва иш ўринларининг 28 фоизини ташкил қилади. Секторда рўйхатга олинган компанияларнинг қарийб 10 фоизи сутни қайта ишлаш билан шуғулланади.

Мустақилликка эришганидан бери Словения ўз савдосини диверсификация қилиш ҳамда трансатлантик институтларга интеграциялашувини фаол равишда амалга оширмоқда. Словения Жаҳон савдо ташкилотининг таъсисчи аъзоси. Ўзбекистоннинг ЖСТга аъзолиги борасидаги интилишларини ҳам Словения қўллаб-қувватляйди.

Факт ва рақамлардан ҳам кўриниб турибдики, Европанинг юксак суръатлар билан ривожланаётган, мафтунокр табияти билан машҳур Словения давлати Ўзбекистоннинг Болқондаги муҳим шерикларидан бирига айланиши қутлимқда. Давлатимиз раҳбарининг ташрифи давомида имзоланадиган келишувлар, тадбиркорлар билан ўтказиладиган мулоқотлар ўзаро манфаатли ҳамкорлиқни мустақамлаш учун хизмат қилади.

Абдували СОЙБНАЗАРОВ, «Халқ сўзи» шарҳловчиси.

Келгуси йилларда Тошкент шаҳри ва унинг атрофидаги яшил ҳудудларни 3 қарра кўпайтириб, 25 минг гектарга етказиш мақсад қилинган.

ИЛМ ВА МАЪРИФАТ — ЮКСАЛИШ ГАРОВИ

Давлатимиз раҳбари раислигида мактаб таълими тизимидаги ислохотлар самарадорлигини ошириш бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида кўтарилган масалалар билимли, соғлом, ватанпарвар авлодни тарбиялаш ва янги Ўзбекистон таълим тизимида ечимини кутаётган масалаларни тизимли ҳал этишга қаратилгани билан муҳим аҳамиятга эга.

Бинобарин, таълим соҳасига қаратилаётган юксак эътибор, ажратилаётган маблағларнинг кўпайтирилиши, мактаб ва мактабгача таълим муассасалари инфратузилмасининг такомиллашуви юртимизни барқарор тараққий эттириш йўлидаги муҳим қадамлардир.

Айниқса, педагог кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимидаги янгиланишлар алоҳида эътиборга молик. Жумладан, Абдулла Авлоний номидаги педагогик маҳорат миллий институти ва унинг 13 та ҳудудий марказини қайта ташкил этиш, Низомий



номидаги Тошкент давлат педагогика университетнинг Ўзбекистон миллий педагогика университетига айлантирилиши каби ташаббуслар ўқитувчи-педагогларимизнинг малакаси ва

мақомини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Эътиборлиси, шу асосда барча педагогика олийгоҳлари фаолияти тубдан такомиллаштирилади. Мисол тариқасида айтадиган бўлсак, Термиз педагогика институтида ҳозирги факультетлар ўрнида аниқ, табиий, ижтимоий, филология, амалий фанлар, мактабгача ва бошланғич таълим йўналишлари бўйича 6 та олий мактаб ташкил этилади.

Фанлар сони оптималлаштирилиб, 20 тадан 15 тага, таълим йўналишлари 31 тадан 17 тага қисқартирилади, ўқув юклараси эса 20 фоизга камайтирилади. Яқин ҳудудлардаги мактаблар институтнинг амалиёт базаларига айлантирилади. Бу йил институтнинг хорижий тил сертификатига эга бўлган 20 нафар ўқитувчиси

Буюк Британия, Германия ва Сингапур каби давлатларда малака ошириш курсларида қатнашди. Келгуси уч йил мобайнида эса барча профессор-ўқитувчилар халқаро малака ошириш курсларида таҳсил олади. Бу жараёнлар жаҳоннинг “ТОП — 100”талик университетлари билан тўғридан-тўғри шартномалар асосида ташкил этилади.

Шунингдек, хусусий олийгоҳларда педагогика йўналишлари сифати назорат қилинади ва аниқ фанлар бўйича педагогик кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилади. Бу ташаббус мактаблардаги ўқитувчилар етишмовчилигига барҳам беришда муҳим аҳамият касб этади.

Президентимиз томонидан интилувчан ёшларни хорижий университетларда ўқитиш учун “Президент иқтидорли фарзанд-

лари” миллий дастурининг амалга оширилиши мамлакатимиз билимдонларига кенг имкониятларни яратиб бериши муқаррар.

Мактабгача таълимдаги инновацион ёндашувлар, тарбиячилар малакаси ва маҳоратини ошириш борасидаги янгиликлар ҳам келажак авлоднинг соғлом ва ақлан баркамол бўлиб вояга етишини таъминлашда юксак аҳамиятга эга.

Таълим соҳасига қаратилаётган эътибор ва бу йўналишдаги ижобий ўзгаришлар халқимиз фаровонлиги ва мамлакат тараққиётига хизмат қилади.

Одильжон МАМАТКАРИМОВ, Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси раиси ўринбосари.

НАВҚИРОН АВЛОД ТАРБИЯСИ — ҲАЁТ-МАМОТ МАСАЛАСИ



Ана шундай ташаббуслардан бири, бу — Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги қошида Болалар контентини ривожлантириш маркази ташкил қилинган. Марказ болалар тарбияси ва соғлиғига салбий таъсир этадиган ахборот маконидаги контентни таҳлил қилади. Маҳаллий ижодкорларга миллий контент яратиш бўйича бюртма беради, соҳада кадрлар тайёрлашни ташкил этади.

Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, ёш авлодни зарарли ахборот хуружларидан асрашга жиддий эътибор қаратиш давр талабидир. Боиси бугунги кунда виртуал таҳдид нихоятда оммалашиб бормоқда. Ўтказилган тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатадики, ҳозирда мактаб ёшидаги болалар интернетдан тобора эрта фойдаланишга киришаётир. Лекин мутахассисларнинг фикрича, ёши ўнга етмаган бола, одатда, мустақил равишда интернетдан фойдаланиш учун зарур бўлган танқидий, таҳлилий фикрлаш ва шу асосда маълумотларни фарқлаш, уларни ажрата билиш, бошқача айтганда, “филтрлай” олиш қобилиятига эга эмас. Шундай экан, онги ва дунёқарашини эндиғина шаклланаётган ёш авлоднинг маънавий олами дахлсизлигини асраш олдимизда турган энг муҳим масалалардан биридир.

Шу боис бу иш билан нафақат янги тузилган марказ, балки қайси соҳада қолият юритишимиздан қатъи назар, ҳар биримиз шугулланишимиз шарт. Аввало, оилада ҳар бир ота-онанинг фарзанди интернет оламида нима билан бандлигини назорат қилиши ва уларга тўғри йўл кўрсатиш маданиятини шакллантириш муҳим саналади.

Бугунги кунда ёшларимизнинг аксарияти “facebook”, “telegram”, “snabchat”, “tiktok” каби хорижий ижтимоий тармоқларнинг доимий фойдаланувчилари эканини



кўрамыз. Демак, бу ҳолат миллий сайтларимизни ёшлар учун жозибадор, мазмунли, савияли, қизиқарли қилиб яратиш масаласига жиддий эътибор қилиш зарурлигини кўрсатади.

Видеоселектор йиғилишида айтилган топшириқ ва тадбирлар ижросини назорат қилиш учун штаб тузилиши, бу масала шахсан Президент назоратида бўлиши таъкидланди.

Туман ҳокимлирига ҳар ойда туман мактабгача ва мактаб таълими бўлимлари раҳбарлари, мактаб директорлари ва боғча мудиралари билан учрашиб, муаммоларни жойида ҳал этиш вазифаси юкланди. Айни чоғда мутасаддилар бундан буён туман бўлими раҳбарларини таълим билан боғлиқ бўлмаган бирорта йиғилишга жалб қилиб бўлмаслиги ҳақида қатъий огоҳлантирилди.

Ёш авлод тарбияси биз яшаётган XXI асрда, ҳақиқатан ҳам, ҳаёт-мамот масаласига айланиб бормоқда. Бу борада эътиборсизлик ёки зарур чораларни кўрмаслик ёшларимиз тарбиясининг издан чиқишига, йиллар давомида тузатиб бўлмайдиган оғир оқибатларга олиб келишга сабаб бўлиши мумкин. Шу маънода, давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлашда барчамиз бирдек масъулмиз.

Жамила БОБОНАЗАРОВА, Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси аъзоси.

БИЛИМ ВА МАЛАКА — МУҲИМ ОМИЛ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 15 май кунини ўтказилган видеоселектор йиғилишида таълим соҳасидаги ислохотларни янги босқичга олиб чиқиш, хусусан, педагог кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини такомиллаштиришга қаратилган устувор вазифалар белгилаб берилди.

Очиги, сўнгги вақтларда таълим учун етарли даражада маблағ ажратилди, имконият яратилди. Лекин натижа қутилганидек эмаслиги кишини ташвишлантиради. Ушбу масалалар таҳлилдан келиб чиқиб, йиғилишда Президентимиз томонидан муҳим ташаббуслар илгари сурилди.

Илгари малака ошириш марказлари — бу бир-икки ҳафтагина давом этадиган, аксар ҳолда формал равишда ўтганадиган курслар бўлиб қолган эди. Энди Абдулла Авлоний номидаги педагогик маҳорат миллий институтида ўқитувчидаги ўзгариш тўғридан-тўғри ўқувчида сезилиши керак деган принцип асос қилинган. Яъни билим “бир марта ва ҳаммага” эмас, зинама-зина, тренер — етакчи ўқитувчи — умумий жамоа тарғиботи асосида тарқалади. Масалан, Жиззахдаги малака ошириш марказидаги 60 нафар профессор-ўқитувчи Сингапур, АҚШ, Германия каби етакчи мамлакатлар методикаси асосида қайта тайёрланади. Мактабдаги 17 та фаннинг ҳар бири бўйича алоҳида таянч мактаблари ташкил этилади. Ҳар бир таянч мактабнинг бир нафар ўқитувчиси Малака ошириш марказига келиб, ўз йўналишида халқаро дастурлар асосида чуқур тайёрланади, уларга тренер макомини берилади. Ушбу тренерлар ўзига бориқтирилган ҳудуддаги 25 нафар етак-



чи ўқитувчини ўқитади, етакчи ўқитувчи ҳар эса ўз мактабидagi қолган муаллимларнинг малакасини ошириб боради. Қолаверса, ҳар бир таянч мактабда махсус лаборатория — касбий маҳорат хонаси ташкил этилади. У ерда замонавий жиҳозлар, методик материаллар, интерфаол ўқув воситалари бўлади. Туман ҳокимлари бу хоналарни тўлиқ жиҳозлашга шахсан масъул қилиб белгиланди. Шу билан бирга, барча вилоят ҳокимлари малака марказларини фақат деворбўёқ билан эмас, балки методика, муҳит, билим, тажриба жиҳатидан тўлиқ қайта қуришга жавобгар этиб белгиланди.

Яна бир муҳим йўналиш — ёшлар бандлиги масаласи. Агар ҳар биримиз бугунги ёшлар нима билан банд деган саволга жавоб қидирсак, кўп ҳолда ҳаёлимизга қўлида телефон, кўзи экранда бўлган ёшлар гавдаланади. Афсуски, шаҳарда ҳам, қишлоқда ҳам шу ҳолат.

Президентимиз йиғилишда ана шу муаммога ҳам ечим таклиф қилди. Ҳақиқатан ҳам, мамлакатимизда ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиши учун етарли инфратузилма бор. Фақат улар тўлиқ ишлатилмаяпти. Мисол учун, бугунги кунда мамлакатда 900 га яқин театр, маданият маркази ва концерт

заллари мавжуд. Бундан ташқари, 1,5 мингга яқин спорт майдончалари, 200 та оромгоҳ ва 2 мингдан ортиқ туризм объеклари бор. Лекин бу жойларда ҳаёт қайнамаяпти. Театр эшиклари кўп ҳолда ёпиқ, маданият марказларида сукунат, баъзи спорт майдонлари эса вақти-вақти билангина ишлайди. Шу боис мутасаддиларга аниқ топшириқ берилдики, энди ҳар кунини жойлардаги амфитеатр ва сайилгоҳларда концерт ва мусиқа кечалари ўтказилади. Маданият ва истироҳат боғларида санъат кўргазмалари, шеърят кечалари ва интеллектуал ўйинлар ташкил этилади. Бу тадбирлар нафақат пойтахтда, балки ҳар бир туманда, ҳар бир маҳаллада бўлади.

Масалан, “Янги Ўзбекистон” боғида ҳар кунини очик осмон остида концертлар бўлиб ўтади. Бу тажриба бошқа ҳудудларга ҳам татбиқ этилади. Богда кечкурун сайрга чиққан ёшлар шунчаки вақт ўтказмайди, балки концерт томоша қилади, дўстлари билан маданият муҳитида мулоқотда бўлади, ижодкорлар билан кўришади. Бу ёшларнинг руҳиятини ҳам, дунёқарашини ҳам бойитилади.

Йиғилишда таълим тизимини янада ривожлантириш, педагоглар маҳоратини ошириш ҳамда ёшлар бандлигини таъминлаш борасида аниқ мақсад, режа, маблағ ва масъуллар белгиланди. Галдаги вазифа биз, халқ вакиллари ҳудудларда маҳаллий Кенгаш депутатлари билан ҳамкорликда ушбу топшириқлар ижросини назорат қилиш орқали натижадорликни таъминлашдир.

Мавлуда АДҲАМЖОНОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

ТАЪЛИМ СИФАТИ УЧУН КУРАШ КЕЛАЖАК ОЛДИДАГИ МАСЪУЛИЯТ ДЕМАҚДИР



Педагогик маҳорат ва халқаро баҳолаш илмий-амалий маркази ташкил қилинди.

Дарҳақиқат, таълимдаги муваффақият қалити ўқитувчининг шахсияти, билими ва касбий маҳоратига боғлиқ. Педагог нафақат билим берувчи, балки тарбиячи, илҳомлантирувчи, замонавий кўникмаларни шакллантирувчи шахс сифатида алоҳида ўрин тутати. Агар биз келажак авлодни рақобатбардор, дунёқарашини кенг ва ватанпарвар қилиб тарбиялашни истасак, бу жараёнда ўқитувчиларнинг билим ва маҳоратларини мунтазам янгиллаб боришни биринчи галдаги вазифа сифатида қабул қилишимиз зарур.

Шу билан бирга, жамиятда педагог бўлган ишонч, ҳурмат ва эътиборнинг ортиши унинг руҳини кўтарди. Бу эса, албатта, таълимда сифатга эришишда муҳим. Ушбу эзгу мақсад давлат ва жамиятнинг биргаликдаги сазй-ҳаракатини талаб этади. Зотан, таълим сифати учун кураш келажак учун масъулият, демакдир.

Интеллектуал ва жисмоний жиҳатдан баркамол авлодни тарбиялайдиган етук мутахассислар тайёрлаш Бухоро давлат педагогика институти олдидаги асосий вазифадир. Шу боис бугун бу ерда таълимни замонавий талаблар ва андозалар неғизда ташкил этишга ургу қаратилмоқда.

Профессор-ўқитувчиларимиз нафақат талабаларга маъруза ўқиш, балки марказдан олис ҳудудлардаги мактабларга бориб, у ердаги муҳитни ўзгартириш, ўқитувчи ва ўқувчиларнинг билим ҳамда малакаларини ошириш билан ҳам шугулланиб келмоқда. Шунингдек, институтнинг тасдиқланган режасига асосан Ромитан,

Пешку, Шофиркон, Гиждувон туманларидаги 6 та умумтаълим мактабидан профессор-ўқитувчиларимиз томонидан ҳар кунини соат 14:00 да инглиз тили, математика, тарих ва она тили фанларидан онлайн дарс машғулотлари ўтказилмоқда.

Бухоро шаҳридаги Президент мактаби, Вобкент туманидаги 8-мактаб, Жондор туманидаги 1 ва 7-мактаблар, Когон туманидаги 12-мактабда институтнинг 21 нафар профессори доимий равишда ўқитувчиларга махсус методик ёрдам кўрсатиб келяпти. Шу билан бирга, ўқувчилар учун инглиз тили ва биология тўғаракла-

тарбия ва спортни ривожлантириш, тиббий хизматларни сифат жиҳатдан яхшилаш ҳам давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди.

Бу юртимизда амалга оширилаётган ижобий ўзгаришлар ва ислохотлар марказида ИНСОН омили турганининг яққол ифодасидир.

Йиғилишда таъкидланганидек, охириги етти йилда мактабгача ва мактаб таълими учун маблағ 7 қарра оширилгани ва жорий йилда 60 трлн. сўм йўналтирилаётгани — бу шунчаки статистик маълумот эмас. Бу инсон, айниқса, ёш авлод



ридан бири — ўқитувчига эътиборни кучайтириш борасидаги кўрсатмалари бугун ҳаётда ўз аксини топаётгани ҳар қандай кишини хурсанд қилади.

Йиғилишда ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Айниқса, уларни спорт, санъат, китобхонлик, фан ва технология йўналишларига жалб этиш орқали бўш вақтини самарали ўтказиш имкониятларини кенгайтириш зарурлиги таъкидланди. Бу эса ёшларнинг ижтимоий фаолигини ошириш, салбий таъсирлардан ҳимоя қилиш ва уларда миллий қадриятларга содиқлик ҳамда замонавий дунёқарашини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этиши айтилди.

Бугунги кунда ёшларни зарарли ахборотлар таъсиридан ҳимоя қилиш масаласи долзарб аҳамият касб этмоқда. Бу йўналишда муайян ишлар амалга оширилмоқда. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, ахборот хуружи шароитида ёшларнинг қалби ва онгини турли таҳдидлардан асраш учун фақатгина назорат эмас, балки уларга муқобил равишда мазмунли, миллий ғояларга асосланган замонавий контент яратиш зарур.

“Тўғри, бугунги кунда ёшлар маънавияти билан ҳамма шугулланыпти. Лекин зарарли ахборотларга

қарши тура оладиган миллий контент яратиш, уларнинг тарғиботи, ижодкорларни қўллаб-қувватлаш бўйича профессионал ташкилот йўқ”, дея таъкидлади давлатимиз раҳбари. Бундан ёшлар онгини асраш фақат таълим ва тарбия билан чекланмаслиги, балки замонавий ахборот майдонида миллий ғояни илгари сура оладиган креатив ва тизимли ёндашув зарур эканлиги аёнлашади.

Миллий контент — ахборот хуружига қарши маънавий қалқондир. Шу боис профессионал ижодкорларни қўллаб-қувватлайдиган, мақсадли контент ишлаб чиқадиған махсус ташкилотга эктиёж ортиб бормоқда. “Ёшларимиз жуда иқтидорли. Уларни тизимли йўналтириб, олийгоҳ танлашга кўмаклашиб, мақсадли тайёрлашни йўлга қўйсак бўлди, кўрсаткичларимиз қаррасига ошади”, деди Президент. Бу фикрлар, аввало, таълим тизими ва ёшлар сиёсатига янгича қарашни талаб этади. Ёшларга йўл кўрсатиш — уларнинг келажagini, яъни Ватан келажagini йўлга қўйиш демак.

Давлатимиз раҳбари видеоселектор йиғилишида қайд этган рақамлар, белгилаб берган устувор вазифалар таълим соҳасида ислохотлар бугун янги босқичга кўтарилганидан, инсон омилини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётганидан ва ҳар бир фуқаро, айниқса, ёшлар учун имкониятлар майдони кенгайиб бораётганидан далолат. Бу Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси ҳаётга изчил татбиқ этилаётганининг амалий кўринишидир.

Баҳодир МАЪМУРОВ, Бухоро давлат педагогика институти ректори, профессор.



1

Натижада наشريётлар фаолияти ҳам жонланди. Ёшларбоп назмий ва насрий асарлар чоп этилиб, уларнинг ноанъанавий, янгича руҳдаги тақдимотлари ўтказилмоқда, “Шеърый концерт”лар уюштирилиб, томошабинлар сафи кенгаймоқда. Асосийси, улар — ташкилотчилар ҳам, иштирокчилар ҳам фитрати тоза, илм зиёсига ташна ёшлар. Шунингдек, ўз маблаглари ҳисобидан ҳали у ер, ҳали бу ерда кутубхона очиб, маҳалладошларига ҳуффа этаётганларни замонамиз жаҳидлари, десак, тўғри бўлади. Бироқ китобхонлики умумий харакатга айлантиришда муаммо ва камчиликлар ҳам йўқ эмас.

Эҳтиёт бўлинг, рақамли амнезия

Донолар китобсиз ўқиш — қанотсиз куш эканини ҳамиша уқтириб келади. Шарқ мутафаккирлари “икро” сўзини маслак тутиб, бугун асримизнинг энг закий олимларини ҳам ҳайратга солаётган беқиёс маънавий-илмий кашфиётлар яратганига тарих гувоҳ.

Чиндан ҳам бугун учинчи Ренессансга қадам қўётган авлод китоб мутлоасига тугинмоқда. Аммо ахборот технологиялари ривожлангани сайин қимматли вақтимизни ўғирлаш пайида турли-турли кўнгилочар контентлар, китоб ўқишга бўлган иштиёқни сўндирувчи, чалғитувчи, енгил-елпи медиамаҳсулотлар ҳам ортиб бораётгани рост. Глобал тармоқ инсониятга бир қанча қулайликларни туҳфа этди, лекин у биздан фикрлаш қобилиятини тортиб олмаётгани, деган ўй ҳам кечади баъзан ҳаёлдан.

Одамлар ҳар куни соатлаб вақтини мобил телефонида тикилиб ўтказса-да, атиги ўттиз дақиқа бадий ёки илмий китоб ўқишга ҳафсала қилмай қўйгани ҳам ҳақиқат. Бу тенденция эртага қандай оқибатларга олиб келишини тасаввур қилиб кўриш фурсати аллақачон келган. Сўнгги илмий тадқиқотда келтирилишича, дунё

аҳолисининг 63,9 фоизи ижтимоий тармоқлардан фойдаланади. Бунга у кун давомида ўртача икки соату йигирма бир дақиқа вақт сарфлайди.

Смартфонлар, планшетлар ва бошқа замонавий интернет воситалари давригача яшаган инсоннинг мияси ўртача ўн икки сониягача юқори концентрация микдорини сақлаб тура оларди. Бугун бу муддат саккиз сониягача қисқарган. Касалликларни тиббий таснифлаш меъёрлари бўйича яқин келажақда рақамли амнезия, яъни “рақамли қарамлик” ташхиси тиббийётга кириб келиши мумкин.

Китоб мутлоаси эса нафақат тафаккурни кенгайтиради, балки инсоннинг ақлий ривожланишига таъсир қилади. Неврологларнинг тадқиқотларига кўра мунтазам китоб ўқиш миянинг мантиқий фикрлаш қобилиятини оширади, ижодий тасаввурни кенгайтиради, стресс даражасини камайтиради, диққатни жамлашга ёрдам беради. Демак, китоб ўқиш нафақат билим, балки ички хотиржамлик, тафаккур теранлиги ва тўғри қарор қабул қилиш каби қатор ижодий хусусиятларни ҳам юксалтиради. Аммо негацир барибир кўзга гаджетлар, ундаги виртуал олам жозибали кўринаверади.

Китоб факатгина маънавий ва ахлоқий озуқа эмас, балки маданият ва тил ривожини учун асосий манба бўлиб, аждодлардан-авлодларга ўтиб келаётган интеллектуал мерос эканини англаб етиш, англишнинг вақти етди. Шу жиҳатдан, китобхонлик маданиятини ўстириш, ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш, уларга маънавий таянч бериш учун китоб ўқиш, аввало, оиладан бошланиши керак.

Оммавий китобхонлик маданиятини шакллантириш борасида фикр юритилар экан, болаларнинг эрта ёшдан китобга ошно тутишини учун куюнчак бўлмоқ керак. Чунки инсон ҳаётининг дастлабки босқичида кўрган-кечирганлари келгусидаги танловлари учун пойдевор вазифини ўтайди.

Энг тўғри тарбия — шахсий намуна

“Болаларимизни бочча ёшидан, бошланғич синфлардан кичик-ки-

чик китобларга ўргатиш, шу орқали уларни китобсевар этиб улғайтириш зарур. Шундагина жамиятимизда китобхонлик муҳити шаклланади, бошқалар ҳам китоб ўқишга қайтади”, дея таъкидлаган эди Президентимиз.

Рост-да, болалар оила бағрида улғаяди, катталар нимани яхши кўрса, бола ҳам шунга интилади. Дейлик, оталар, оналар телефондан кўз узмай, фарзандига “ўқи” деб буюрса, шу буйруқ болага жазо бўлиб туюлмайдими? Агар ота-она қўлида китоб билан кўринмаса, бола ҳам уни ўқишга эҳтиёж сезмайди. Уйда китоб мутлоаси маданияти бўлиши, кечкурунлари оилавий китоб ўқиш одатини

Смартфонлар, планшетлар ва бошқа замонавий интернет воситалари давригача яшаган инсоннинг мияси ўртача ўн икки сониягача юқори концентрация микдорини сақлаб тура оларди. Бугун бу муддат саккиз сониягача қисқарган. Касалликларни тиббий таснифлаш меъёрлари бўйича яқин келажақда рақамли амнезия, яъни “рақамли қарамлик” ташхиси тиббийётга кириб келиши мумкин.

шакллантириш, асарлардаги воқеа-ходисаларни, қаҳрамонлар тушган мураккаб вазиятларни бола билан муҳокама қилиш, уларга саволлар бериш муқобил ечимлардан биридир.

— Бола учун китобнинг аҳамияти бекийс. Бу қудратли восита ўғил-қизларнинг дунё ҳақидаги тушуначсини кенгайтиришга, табиат ва уни ўраб турган барча нарсалар билан таништиришга хизмат қилади, — дейди болалар ёзувчиси Музаффар Иброҳимов. — Инсон болалигидан китоб ўқиш орқали ўз тафаккурини ривожлантиради, қатъиятлилиги ва мустақил ишлаш кўникмаларини ўзлаштиради. Китоб болани ўйлашга, таҳлил, тасаввур ва фикрлашга ўндийди. Буларнинг барчаси турмуш даражасига таъсир кўрсатади, эрта ёшдан қўлига китоб тутган бола муаммоларга ечим топишда, кишилар билан мулоқот ўрнатишда қийналмайди. Агар болалар китоб ва

ўқишни ахборот манбаи деб билса, инсоният томонидан тўпланган барча билимлар улар учун очик бўлади. Ўзим фарзандим дунёга келмай туриб унга эртақлар ўқиб берардим. Китоб бола ва ота-она ўртасидаги мулоқотнинг муҳим шакли деб ўйлайман. Бешик-беланчада китоб билан танишган болалар келажақда ўткир зеҳни билан ажралиб туради.

Ҳақиқатан ҳам, кичкинтойга ғамхўрлик қилаётганда унга қўшқлар ва эртақлар айтиб бериш жуда фойдали. Табиийки, гўдак ҳали ҳеч нарсани тушунмайди, лекин у интонация ва товушларни муқамал даражада илғаб олади. Болаликданоқ фарзандингизга китобга бўлган муҳаббатни уйғота олсангиз, у улғайгач, ўз хоҳишига кўра мутлоага тутинади. Бу борада шахсий намуна муҳим, албатта.

Дейлик, баъзи хонадонлар тўрида жавон тўла қимматбаҳо идишлар кўрк бериб туради. Аммо боланинг қўли етadиган жойда ёшига мос китоблар тахланган жавонча ҳам бўлса, нур устига нур. Уйдаги ҳамма нарсанинг ўз қувватиди майдони, яъни аураси бўлади. Қимматбаҳо идишлар китоблар берувчи кучли қувватни беролмайди. Китоблар олами ҳамиша очик бўлади. “Кечикибман. Энди болам китоб ўқимайди”, қабилида йўл тутиш керак эмас. Аксинча, муҳтарам ота-оналар, ҳали фурсат бор: қўлга китоб олинг!..

Китоб ва бадий дид масаласи

Бордию ўсимлар гаджетлардан воз кеча олмаса-чи?! Унда уларни тўғри йўналишга буриш керак. Масалан, аудиокитоблар тинглашни оммалаштириш, китоб ҳақидаги қисқа видеотақризлар яратиш орқали уларнинг эътиборини жалб этиш мумкин. “Мен китобни электрон ўқийман, шу қўлай”, дейди-ганларга телефон ёки планшетларда чалгитувчи сигналлар қўллиги боис, махсус қўрилмалар ёрдамида китоб ўқиш тавсия қилинади.

— Аввало, ҳар бир инсон хоҳ босма, хоҳ электрон китоб ўқиш малакасини шакллантириши керак, — дейди психотерапевт Зебинисо Аҳмедова. — Чунки дунё ўзгаряпти. Технологиялар кун сайин янгиланиб, кундалик ҳаётимизга тобора кириб келяпти. Бугунинг болалари эрта ёш давридан бошлаб турли гаджетлар би-

лан улғаяётганини ҳисобга оладиган бўлсак, уларда электрон китобларни ўқиб тушуниш, анализ-синтез таҳрибаси ўзига хос равишда пайдо бўлади.

Жавонингизда турган китоб излаган саволингизга аниқ жавоб бера олади, интернет эса чексиз маълумотлар омбори. Дейлик, ўсимр ёшдаги боланинг феъл-атвори, тарбияси ҳусусида шу йўналишда чоп этилган китобни ўқиганда, фикрлар ойдинлашади. Интернет эса бу борада дунё-дунё ахборотни шахсий танловга ҳавола қиладики, уларнинг орасидан зарурини саралаб олиш учун, аввало, медиасаводхонлик юқори бўлиши керак, қолаверса, сарагини саракка, пучагини пучакка ажратгунча кўп вақт зое кетади.

Яна бир гап. Ўсимлар орасида энг оммалашган ижтимоий тармоқларни ҳам секин-аста “тарк этиш” тенденцияси кузатишмоқда. Қизиқ томони, илгари миямиз қисқа видео (релс)ларни қўқ севкундгача қабул қиларди, ҳозир икки-уч секундда ўтказиб юбояпти. Шартли равишда қайфиятга жавобгар бўлган модда дофамин гормонини ижтимоий тармоқда вақт ўтказиш орқали олган бўлса, ҳозир бу кўрсаткич ҳам пасайган. Боиси одамлар электрон қўрилмаларга узлуқсиз боғлиқ бўлганда кулоқ шовқинлари, бош оғриги, асабийлик каби саломатлигига салбий таъсир қилувчи ҳолатларни бошдан кечирмоқда. Бу эса онгли равишда “электрон детокс”ни юзага келтиради. Яъни ишончли маълумот олиш мумкин бўлган восита — китобга қайтиш босқичи бошланади, дегандир.

Гап китоб мутлоаси ҳусусида кетар экан, бу ўринда бадий дид масаласини кўздан қочириб бўлмайди. Қўлига тушган китобни ўқиб кетавериш ярамайди. Бугун давр китобни ҳам танлаб ўқишни тақозо этмоқда. “Маънан етук китобларни танлаб ўқи. Акс ҳолда, бир даста қўғоз ҳаётингни захарлаши мумкин”, дея топиб айтилган.

Демак, бадий дид — бу китобнинг ҳақиқий қадр-қимматини, унинг таъсири ва инсонга бериши мумкин бўлган маънавий озуқасини англашадиган борметрдир. Китоб ўқиш — йўлнинг ярми. Устозлар мутлоа қилинган китоб ҳақида фикрларни ҳамиша ёзма равишда қайд этиб боришни, асар юзаси, мазмунини, ҳулосаси ҳақида тафаккур қилишни тавсия этади.

Ҳа, китоб — мўъжиза, китоб — қудратли куч. Унга эргашган одам олим, ориф, оқил бўлади, ҳуллас, асло кам бўлмайди!

Наргиза ЮНУСОВА
«Халқ сўзи».

РЕКЛАМА

«Ўзчармсаноят» уюшмаси

аъзолари бўлган корхоналар раҳбарлари диққатига!

“Ўзчармсаноят” уюшмаси аъзоларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши видеоконференцалоқа, шунингдек, тўғридан-тўғри иштирок этиш орқали 2025 йилнинг 30 май кунини соат 11:00 да Халқ банки АТБ бош офис биносининг мажлислар зали (манзил: Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор шоҳжўчаси, 7-“Б” уйда) ўтказилади.

Умумий йиғилишнинг кун тартиби қуйидаги масалалардан иборат:

1. Санок комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш;
2. Уюшма аъзоларининг умумий йиғилишда йиғилиш ўтказиладиган жойга шахсан келиш ёки видеоконференцалоқа (ВКА) тизимига уланган ҳолда иштирок этиши мумкинлигини маъқуллаш тўғрисида;
3. Уюшма ижро этувчи аппаратининг ҳамда Чарм-пойабзал соҳасини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармасининг 2024 йил учун йиллик ҳисоботларини кўриб чиқиш ва маъқуллаш;
4. Уюшма ижро этувчи аппаратининг ҳамда Чарм-пойабзал соҳасини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармасининг 2025 йил учун харажатлар сметасини кўриб чиқиш ва маъқуллаш;
5. 2025 йилда соҳани янада ривожланти-

ришнинг устувор вазифалари ва мақсадли кўрсаткичларини белгилаш тўғрисида;

6. “Ўзчармсаноят” уюшмаси аъзолигига қабул қилиш ва аъзоликдан чиқариш тартиби тўғрисидаги Низомга ўзгартириш киритиш тўғрисида.

7. Уюшма Кенгаши раиси ва аъзоларини сайлаш;

8. Уюшма бошқарув раиси ва бошқарув аъзолари ваколатлари муддатини узайтириш тўғрисида;

9. Уюшма ижро этувчи аппарати тузилмасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳамда ушбу тузилмани янгидан тасдиқлаш.

Шунингдек, умумий йиғилиш якунида соҳа корхоналари фаолиятидаги муаммолар ва уларнинг ечими бўйича таклифлар кўриб чиқилади.

Умумий йиғилишда иштирок этувчилардан ўз паспортларини санок комиссияси аъзоларига кўрсатишлари, агар вақил қатнашадиган бўлса, ушбу вақил номига юридик шахс номидан йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқини берувчи ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончномани уюшманинг 93-399-00-44 рақамли телеграмм канали орқали тақдим қилишлари сўралади.

Йиғилишда видеоконференцалоқа тизими-га улаиш орқали ёки йиғилиш ўтказиладиган жойга шахсан келиб қатнашиш мумкин.

Йиғилиш иштирокчилари 2025 йил 30 май кунини соат 10:00 дан 11:00 гача рўйхатга олинади.
Қўшимча маълумот олиш учун телефон:
71-256-94-15 (ички 160).

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 542. 13 297 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қўғоз бичими А—2. Баҳосини келишилган нархда.

Газетанинг ҳақиқатий маълумотларини оқиб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-259-74-51; қопийбхона 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-45.



Таҳририятга келган қўлёзмалар тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзлаб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида термиди ҳамда оператор А. Исмаилова томонидан саҳифаланади.

Газетанинг полиграфия жихатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

Босмахона телефони: 71-233-11-07.

“Шарқ” наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41.

ЎЗА якуни — 02.40 Топширилди — 02.50 1 2 3 4 5 6



Ҳамюртларимиз «Алпомиш ва Барчиной» халқаро турнири волиби

Тошкентда камондан отиш бўйича ўнга яқин мамлакатлардан таширф буюрган 100 дан ортиқ спортчилар иштирокидаги “Алпомиш ва Барчиной” III халқаро мусобақаси якунланди.



Дастурга кўра кеча мусобақанинг финал беллашувлари ҳамда тақдирлаш маросими ўтказилди.

Миллий гвардия кўмондонлиги, Спорт вазирлиги ҳамда Миллий олимпия қўмитаси раҳбарияти иштирокидаги таъбирда спортчиларимиз эришган муваффақиятлар эътироф этилиб, бу каби мусобақалар ушбу спорт турини оммалаштириш йўлида муҳим роль ўйнаши таъкидланди.

Мусобақада терма жамоамиз вакиллари юқори натижалари билан ажралиб турди. Якунда ҳамюртларимиз 4 та олтин ва 1 та кумуш медалларига сазовор бўлди.

Жамоавий ҳамжиҳатлик намоиши

Мудофаа вазирлиги спорт марказида регби спорт тури бўйича навбатдаги йирик мусобақа — Марказий Осиё чемпионати бўлиб ўтди. Турнирда Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғиз Республикасининг регби жамоалари ўзаро куч синашди.



Мудофаа вазирлиги Ахборот ва оммавий коммуникациялар департаментидан хабар беришларича, эркаклар жамоалари ўртасида кечган баҳсларда Ўзбекистон барча рақибларидан устун келиб, биринчи ўринни эгаллади. Қозоғистон регбичилари иккинчи, Қирғиз Республикаси вакиллари эса учинчи ўринни банд этди.

Қизлар жамоалари баҳсида ҳам худди шу кўрсаткич қайд қилинди: мамлакатимиз жамоаси биринчи, Қозоғистон ва Қирғиз Республикаси вакиллари иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллади.

Мусобақа якунида барча голиб ва совриндорлар кубок, медаллар ва дипломлар билан тақдирланди.

20 та медаль билан қайтди

16 — 18 май кунлари Сингапурда бўлиб ўтган бадий гимнастика бўйича ёшлар ва катталар ўртасидаги Осиё чемпионати ўз якунига етди.



Қизиқарли беллашувлар натижасига кўра Ўзбекистон терма жамоаси 8 та олтин, 7 та кумуш ва 5 та бронза, жами 20 та медални қўлга киритди.

«Халқ сўзи».

Самарқандда Касаба уюшмалари ҳаракатининг 120 йиллиги муносабати билан «Самарқанд нони» фестивали ўтказилди.

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислон Каримов кўчаси, 55-уй.
Навбатчи муҳаррир — Ф. Бозоров.
Мусахҳас — Ш. Машраббоев.